

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 - МАХСУС СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3**

## **LOOK TO THE PAST**

**SPECIAL ISSUE - 3**



**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Зияева Доно Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат тиббиёт институти

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Алима Ауанасова</b> ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
<b>2. Максим Моисеев</b> РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
<b>3. Рахбар Холиқова</b> TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
<b>4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова</b> ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
<b>5. Дурдонахон Муродова</b> ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
<b>6. Авазбек Мирзаев</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
<b>7. Саҳодат Муртазова</b> “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
<b>8. Шухратжон Абдуллоев</b> БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
<b>9. Исломбек Бобожонов</b> ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
<b>10. Бобурмирзо Ботиров</b> ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
<b>11. Хумоюн Назаров</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
<b>12. Баҳрам Намозов</b> ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
<b>13. Файзулла Очилдиев</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96

<b>14. Turdigul Omirzakovna</b> QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
<b>15. Мухиддинжон Примов</b> XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
<b>16. Азиз Равшанов</b> ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
<b>17. Гулчехра Рахимова</b> ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
<b>18. Екатерина Смесова</b> ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
<b>19. Жасур Савриев</b> НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
<b>20. Музаффар Тожибоев</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
<b>21. Сайёра Тураева</b> ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
<b>22. Тўракул Ҳасанбоев</b> ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
<b>23. Шермухаммат Эрназаров</b> МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
<b>24. Ахмеджон Юсупов</b> САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
<b>25. Алишер Эсанов</b> ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
<b>26. Миролим Бердикулов</b> ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Бахрам Худойшукурович Намозов,**


Камолиддин Бехзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси,

мустақил изланувчи(PhD)

## ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР

**For citation:** Bahram Kh. Namozov, A LOOK AT KUTLUG BASHAROV'S WORK. Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.90-95

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6582937>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Ўзбекистон графикаси ривожига ўз хиссасини қўшган ижодкор Қутлуғ Башаров ижодига назар деб номланган бўлиб, устоз томонидан яратилган санъат асарлари илмий таҳлил қилинган. Унинг дастгоҳ графикасига мансуб триптихлари, автолитографиялари маълум ва машҳур. Хусусан, портрет жанрида инсоннинг ташқи кўриниши, мураккаб ички дунёси, характери, руҳияти ҳамда ҳиссиёти акс эттирилиши ёритилган.

**Калит сўзлар:** санъат, портрет, графика, ижод, маҳорат, тасвир, рассом, линогравюра, китоб, дастгоҳ.

**Бахрам Худойшукурович Намозов,**

Преподаватель Национального института

искусства и дизайна имени Камолиддина Бехзода,

независимый исследователь (PhD)

## ВЗГЛЯД НА ТВОРЧЕСТВО КУТЛУГА БАШАРОВА

### АННОТАЦИЯ

Данная статья под названием «Взгляд на творчество Кутлуга Башарова», внесшего большой вклад в развитие графики Узбекистана содержит научный анализ произведений искусства автора. Его триптихи и автолитографии, входящие в его настольную графику, хорошо известны и популярны. В частности, жанр портретной живописи отражает отражение внешности человека, сложного внутреннего мира, характера, психики и чувств.

**Ключевые слова:** искусство, портрет, графика, творчество, мастерство, образ, живописец, линогравюра, книга, мастерская.

**Bahram Kh. Namozov,**  
Lecturer at the National Institute  
art and design named after Kamoliddin Bekhzod,  
independent researcher (PhD)

## A LOOK AT KUTLUG BASHAROV'S WORK

### ABSTRACT

This article is entitled A Look at the work of Kutlug Basharov, who contributed to the development of graphics in Uzbekistan, and provides a scientific analysis of works of art created by the teacher. His triptychs and autolithographs, which belong to his bench graphics, are well known and popular. In particular, the genre of portraiture reflects the reflection of a person's appearance, complex inner world, character, psyche and feelings.

**Index Terms:** art, portrait, graphics, creativity, craftsmanship, image, painter, linocut, book, workshop.

#### 1. Долзарблиги:

Миллий ўзликни англаш ва ўзини танитиш ёшларга Ўзбекистоннинг тарихий ўтмишини чуқурроқ ўрганиш имконини берди. Шу нуқтаи назардан, ўтмиш тасвирини беришга кодир санъат асарлари катта роль ўйнайди, уларнинг тушунчаси аниқ рационал билимларга ва эмоционал-хиссий идрокга асосланган. «Санъат, - М.С. Каганнинг фикрига кўра, - бу энг мос мажозий модель, маданият портрети, коднинг бир тури бўлиб, унинг энг чуқур моҳиятига киришга имкон беради» [1]

#### 2. Методлар:

Мақолада манбалар таҳлили, илмий қарашлар ва ёндашувларнинг қиёсий таҳлили, тарихий маълумотларни умумлаштириш ва холислик тамойили усулларидадан фойдаланилган.

#### 3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон халқ рассоми Қутлуғ Башаров асосан линогравюра, литография, акварель усулида ишлаган дастгоҳли ва китоб графикаси асарлари билан танилган. Дастгоҳ графикасига мансуб триптихлари, автолитографиялари маълум ва машҳур.

Қутлуғ Башаров болалик пайтларида отасидан кўп нарсаларни ўрганди, айниқса отасининг араб ҳарфларини санъаткорона битиши уни ўзига кўпроқ тортарди. У мактабда деворий газеталарни безар, ҳар қандай портретдан худди ўзидагидек нусха кўчира оларди. Шунинг учун ҳам ўқитувчилари келажакда ундан рассом чиқишига ҳеч бир шубҳа қилмасди. Ўрта мактабни тугатиб, Қутлуғ таҳсилни Тошкентдаги П.Беньков номидаги рассомлик ўқув юртида давом эттирди. Бу йиллар унинг ҳаётида ўқув, ўрганишлар, ҳаётда товланишлар даври бўлди. Ҳарбий хизматга чақирилганда ҳам ҳарбий қисм клубида безакчи рассом бўлиб хизмат қилди. Унинг ҳарбий қисмда ҳурмати баланд эди, у бировнинг кўнглини қолдирмас, илтимос қилган аскар ва зобитларнинг портретларини оддийгина қоғозга айнан ўзига ўхшатиб эсдалик учун чизиб берарди.

1957 йилда Республиканинг машҳур график рассоми Искандар Икромов ёш рассом Қутлуғ Башаровнинг ишлари билан танишиб, ёш рассом истеъдодига қойил қолади ва уни ўша вақтда ўзи раислик қилаётган Ўзбекистон рассомлар уюшмасига аъзо бўлишга ундайди, лекин Қутлуғ Башаров ҳали ўзини бундай бообруў уюшма аъзолигига киришга лойиқ санамайди. Ижодий меҳнатда товланган Қутлуғ Башаров уч йилдан сўнг ана шу уюшма аъзолигига қабул қилинади. Қутлуғ Башаров рассомчилик санъатининг барча соҳаларида ўз маҳоратини намоён қилган санъаткордир. У яратган манзара ва портретлар, натюрморт ва миниатюра, тарихий воқеалар тасвири дейсизми, уларнинг барча-барчасида миллий рух уфуриб туради.

Унинг «Буюк ипак йўли» туркумига кирувчи «Кўчманчилар», «Ҳарбий сабоқ», «Ов», «Менинг аждодларим» туркумидаги «Спитамен», «Алпомиш»,

«Жалолитдин Мангуберди» асарлари рассом ижодини янада юксакликка кўтарди. Бу туркум асарларда озодликка интилувчи халқ руҳи, жасорати, қаҳрамонлиги яққол ўз аксини топган.

Шарқ мавзуси ҳамisha Қутлуғ Башаров ижодининг марказида турган бунинг учун у қадим шарқ халқлари урф-одатларини, яшаш тарзини, кийинишини, такинчоқ ва қуролларини чуқур ўрганди. Рассом Алишер Навоий ғазалларини, дostonларини севарди Навоийга бағишланган картиналари ўзига хослиги билан ажралиб турарди.

А.Навоий юбилейига бағишлаб «Алишер Навоий ҳаёти», «Навоий ва мусиқа», «Навоий ва гул», «Навоий сафарда», «Навоий ва Жомий», «Навоий ва Гули» картиналарини яратди. Халқимизнинг севимли шоираси Нодирабегимга бағишлаб «Баҳор», «Бахт» картиналарини алоҳида меҳр билан чизади. Бундан ташқари «Олтин куз», «Бухоро манзаралари», «Бухоро оқшоми», «Тераклар», «Қария» асарларини киритиш мумкин. «Зебунисо», «Юсуфий», «Ибн Сино», «Мирёкубов», «Аёл» портретларида инсонлар юзидаги нур, фикрий теранлик, ўзига хослик акс этиб туради.

Қутлуғ Башаров умр бўйи тинимсиз меҳнат қилиб, юзлаб китобларга жило берди, у беаган китоблар бугун ҳам ўқувчилар ўртасида қўлма-қўл юради. Бунёдкор халқига сидқидилдан хизмат қилишга бел боғлаган ҳар бир қалам эгаси ижоднинг юқори поғоналарига осонликча кўтарилмайди. Икки муҳим жараён — миллий маданият анъаналари асослари ва ҳозирги замон сураткашлиги тажрибаларини ўзлаштириш шу кунги ўзбек графикасининг ўзига хос услубий жараёнини ташкил этади. Ҳозирги замон ўзбек графика санъатининг тараққиётида, бу соҳани ривожлантиришда ўзбек санъаткорлари билан бир қаторда рус, украин, белорус, грузин, латиш, татар, озарбайжон ва бошқа миллат тасвир усталари ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. Бу фактор ўзбек тасвирий санъатининг интернационалликка, ўз миллий қобиғига ўралиб қолмай, кенгроқ қулоқ ёйишига муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Бу борада Қутлуғ Башаровнинг ҳиссаси ҳам каттадир. Ўз ижодий қиёфасига, образлилик кўламига эришган рассом Қ. Башаров ижодида бадий образ типиклиги ва конкретлиликнинг диалектик бирлиги сифатида майдонга келади, ҳаётни алоҳида бир усулда умумлаштиришнинг, унинг моҳияти ва мазмуни очишнинг натижасидир.

Қ. Башаровнинг ижоди камол топган йиллардаги асарлари билан танишар эканмиз, уларда образлиликнинг кучли ва таъсирчан бадий сайқал топганлиги, новаторликка интилиш ҳамда атоқли графика усталари кашфиётидан ижодий фойдаланишга мойиллик мавжудлигини сезамиз. Бадий образнинг муҳим хусусияти шуки, уни санъаткор истеъдодининг ижодий фантазиясисиз яратиб бўлмайди. Ижодкорнинг фантазияси ҳаётни билишга, унинг ички моҳият-мантиқини, қонуниятларини пухта ўрганишга асосланади. Реалистик санъатда, жумладан, реализм санъатида марказий фигура борки, у ҳар тарафлама, яққол очиб берилиши зарур. Негаки, ҳар бир тарихий жараён замирида у ёки бу инсон шахсияти ётади. Инсон шахси эса тарихий процесснинг фаол иштирокчисидир. Шундай образлар борки, улар барча замонларда барча халқларнинг санъаткорлари қаламига олганида ҳам ниҳоясига етмайди. Мазкур образлар талқинига янгидан разм қилган ҳар бир ижодкор бу образларнинг ўзидан аввалги қалам соҳибларидан пинҳон бўлиб қолган янги қирраларини топиши, бу образлар талқинига ўзига хос бирор жило киритиши мумкин. Бунга сабаб шуки, мангу навқирон образга айланган ўша инсоннинг ҳаёти, фаолияти ғояларни ҳамма замонларда яшайдиган ҳамма халқлар учун катта аҳамиятга эга бўлиб қолади. Ҳар бир янги авлод бу образнинг абадий барҳаёт даври, ўз халқи учун зарур хулосалар чиқариб илгарилаб бораверади. 1980-1990 йиллар бошида босма маҳсулотлар ҳажмининг камайиб кетиши машҳур график-рассомлар М.Кагаров, Қ.Башаров, М.Содиқов,

Ф.Қамбарова, Ғ.Бойматовлар ижодий йўналишларининг ўзгариши, ҳатто, уларнинг рангтасвир билан шуғулланишларига олиб келди[2].

Санъаткорнинг «Оналик», «Ҳосил байрами» линогравюралари ҳар жиҳатдан юксак маҳорат билан ишланган. Асар мазмуни чуқур лирика билан суғорилган. Композицион талқини жиҳатидан ҳам, тасвири жиҳатидан ҳам, яхлит силуэт билан ҳам талаб даражасида ҳал этилган. Уларда ҳеч бир ортиқчалик ҳис, этилмайди. «Оналик» қисмига қайта бир нигоҳ ташланг. Дала қўйнида тер тўкиб келган она эркатойига меҳрла кўкрак тутяпти. Меҳрибон жувон нуридийдасига ширин орзуларга тўла нигоҳ билан термилмоқда. Тасвирдан ўрин олган руж анор тўпи, бўшлиқ, майдон, хуллас, барча компонентлар мазмунни кенгроқ очиб беришга ёрдам берган. Оналик фазилати, бахти жонли, ҳаётий талқинини топган.

Қутлуғ Башаров Алишер Навоий ҳақида асар яратишни ният қилар экан, у севимли образни шоир сифатида —ғазал мулкининг султони сифатида кўрсатишга интилади. Рассомнинг «Алишер Навоий Ҳиротда» портрет линогравюрасида Алишер ўзи туғилиб ўсган Ҳиротнинг айна сахар чоғидаги жамолига мафтун боқмоқда. Хийла йироқдаги қалъа ўзгача салобат қўшиб турибди. Ундан берида эса фуқаро истиқомат қилаётган турна қатор уйлар. Санъаткор Алишер Навоий образини Махмуд Музаҳиб миниатюрасидан ижодий фойдалангани ҳолда ишончли ва қатъий қилиб яратган. Ижодий камолот чўкқисига кўтарилган буюк Алишер сиймоси ўрта аср фониди ҳаётий, жонли тасвирланган. Композиция график талқини жиҳатидан ҳам юксак талаб даражасида. Шоир оромбахш тонги сабо ҳароратидан уйғониб келаётган куёш шафақларига меҳр ва ишонч тўла кўзлари билан боқмоқда.

Ижодкорнинг «Хамса»даги «Ҳайратул аброр», «Сабъаи сайёр», «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» дostonларининг кулминацион воқеалари мазмунига монанд эркин ишланган линогравюралари ҳам томошабин таҳсинига лойиқ. Алишер Навоийнинг «Хамса»сига унинг ҳаётлик вақтдаёқ мусаввирлар миниатюралар ишлашган. Кейинчалик бу шоҳ асарга кўпгина халқларнинг тасвир усталари ўз талқинларича тасвирлар ишлаб келишди ва ишлашмоқда. Бу масъулиятли ишга Қ. Башаров ҳам қўл уриб, унинг тасвирда очилмаган қирраларини очишга ҳаракат қилган. Бу ижодий ютуқларга у қадимий ёдгорликлардаги тасвирий намуналарни, халқ усталарининг ўлмас даҳоси туфайли бунёдга келган амалий санъат дурдоналарини, Камолитдин Бехзод, Махмуд Музаҳҳиб каби мусаввирларнинг ижодий мактабларини, хаттотларнинг китоб безатишидаги нафосатини, қолаверса, жаҳон тасвирий санъати эришган илғор анъаналарни синчиклаб кузатиши, ижодий ўрганиши, уларга замон талаби нуқтаи назаридан ёндашиши туфайли мушарраф бўлди. Композицияларида чуқур ўйланган, тасвир талқини ҳам профессионал даражада бир-бирини тўлдириб туради. Санъатда ҳар доим инсон асосий ўринда бўлиб, унинг ташқи кўриниши, мураккаб ички дунёси, характери, руҳияти, ҳиссиёти ва шунингдек, ҳар хил томонлари ҳақида ҳикоя қилинади [3].

Неча-неча тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган Бухоро ва Самарқанднинг киши ақли бовар қилмайдиган ноёб ёдгорликлари, осори атиқалари ўтмиш ва ҳозирги турли бадий асарларда мадҳ этиб келинмоқда. Бу шаҳри азимларда турли даврларда қад кўтарган минора ва мадрасалар, арк ва саройлар нафис қадами ва салобати билан сайёҳларни лол қолдирмоқда. Давримиз кишилари қўли гул халқ меъморларининг ҳамда ўткир зеҳнли усталарнинг меҳнатларига таҳсинлар ўқимоқдалар. Қутлуғ Башаров мазкур тарихий обидаларга бой шаҳарларга неча бор ижодий сафар қилиб, «Бухорода» ва «Самарқанд-2500 йил» линогравюраларини яратди. Рассомнинг «Минораи калон», «Мирараб мадрасаси», «Оқшом» тасвирларидан иборат «Бухоро»сида хос сокинликни, унда тасвирий

ифодани кўрамиз. Унда образлар ва тўлдирувчи деталлар кам, тематик жиҳатдан жанрли ва лирик талқинга эга, монументаллик касб этган.

Қ.Башаров буюк ўзбек энциклопедист олими Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллиги олдидан унинг муборак сиймосини тасвирий санъатда жонлантириш ҳақида эълон қилинган республика конкурсига «Абу Райҳон Беруний портрети»ни тақдим этди.

Рассом буюк олимнинг образи яратилган намунавий портрет бўлмаганлиги боисидан мавзуга ўзича ёндашди. Беруний ижодини чуқур билган У. Каримов, П. Булгаков каби олимлар билан суҳбатлашди, олим яшаган даврнинг этнографиясига оид кўплаб материалларни ўрганди. Шу изланишлардан кейин эскизлар тайёрлади. Рассом Америка қитъасининг борлигини Колумбдан 500 йил олдин тахминлаган энциклопедистнинг ижод машаққатини чекаётган ҳолатида тасвирлади. Тасвирда чап қўлини чаккасига тираган олим қўлида қалам, ижодий ҳаёлот дунёсига шўнғиган бўлган. Унинг шу ондаги ҳолати, ёқимтой, мулойим истараси, ўзини вазмин, салобатли тутиши катта ақл ва заковат соҳиби эканлигидан далолат бериб турибди. Миллий нақш берилган олти раҳли хонтахта, жавондаги китоблар, олим яшаган даврга оид бошқа ёрдамчи предметлар, ташқарида кўзга ташланиб турган қадимий шаҳар манзараси қаҳрамон образининг очилишига анча ёрдам берган. Биз катта ҳажмда ишланган линогравюрага боқиб, жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшган буюк олимнинг сиймосини тасаввур этамиз.

Форс-тожик шеърятининг буюк намояндаси Хофиз Шерозийнинг ҳамisha ҳаётбахш, лирик ғазаллари назм мухлисларининг қалбини сеҳрлаб келмоқда. Рассомлар унинг сиймосини акс этириш, ғазаллари мазмуни асосида тасвир ишлаш, девонларини безашда самарали фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Бу ишга Қ. Башаров ҳам уриниб, муносиб ҳисса қўшди. Линогравюра техникасида «Хофиз Шерозий портрети»ни ишлади. Портретда инсоннинг руҳий ҳолатидан ташқари, уни қайси табақага хослиги ҳам кўрсатилади, яъни бадавлат ёки камбағаллиги, унинг касби-кори, жамиятда тутган ўрни ҳам рассом назаридан қочмаслиги муҳим.

Шу икки портрет силуэтининг яхлитги, тугалланганлиги, композициянинг образни очишга буйсунганлиги билан диққатга сазовордир. Бу портретлар Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг буюртмаси билан ишланди ва улар музейнинг доимий экспозициясига айланди. Агар ҳар икки портретни алоҳида-алоҳида кўздан кечирадиган бўлсак, унда нуқсон сезмаймиз. Бироқ иккаласини бир жойга қўйганимизда ҳар икки персонажнинг хонтахта устида қўл тутиш ҳолати бир йўсинда тасвирланган. Ана шу нуқсондан қочилганда портретлар яна ҳам оригинал чиққан бўлар эди. Тасвирланаётган шахснинг индивидуаллиги композиция тизимига, портрет ўлчами ва текисликнинг форматига таъсир қилади. Портрет кўкраккача, белгача, тиззагача, бир қиёфали, кўп қиёфали ва автопортрет кўринишида бўлиши мумкин [4].

Рассом булардан ташқари миллий спорт ўйинларига бағишланган триптих ҳам яратади. Триптихнинг марказий қисми «Чавғон ўйини» деб аталган. Бунда тўрт чавандоз от устида туриб худди шайбали хоккейда ишлатиладиган клюшкага монанд бурчакли таёқча билан кичкина тўпни рақиблари дарвозаси томон суриш учун қизгин кураш кетмоқда. Майдоннинг икки томонида ҳам жажжигина дарвоза. Тўп учун асосан икки отлик жон-жаҳди билан курашмоқда. Ундан бериқроқдаги рақиб тўпнинг йуналишини кузатиб турибди. Дарвоза яқинидаги суворий эса, бутун оғирлигини сўл томонга олиб, ҳимояга ҳозирланган. «Чавғон ўйини»да бир ҳаракат ҳаётий талқин этилган. Ўйинчиларнинг фикри зикри тўпда. Уларнинг туриш ҳолати, мувозанат сақлаши, от устида нақадар чакқон ҳаракат қилаётганлиги яққол сезилиб турибди. Бу қисм композицион қурилиши ҳамда бадий талқин жиҳатидан ҳам пухта чиққан. Триптихнинг чап қисми «Ёй отиш»

деб номланган. Унда уч суворийнинг мўлжалга ёй отиши тасвирланган. Одатда ёй тўхтаб турилган ҳолатда отилади. Мазкур линогравюрада эса ёй мўлжалга чопиб кетаётган от устида отилмоқда. Бу ўша тур миллий мусобақанинг шартларига тўғри келмайди. Бунинг устига нишон яқин масофада берилган. Агар ёй отувчилар узокроқ планда берилганида рассом олдига қўйган мақсадига эришарди. Бу ниятни нишон ўрнатилган ёғочни ярмига қисқартириш билан қисман амалга ошириш мумкин. Шунингдек, отларнинг инерцион ҳаракати ҳам яхши чиқмаган. Назаримизда бу жараён шу мавзуга бағишланган миниатюраларга ўхшаб қолгандай туюлади.

Ўзбек эли кузининг нақадар тўкин-сочинлиги, саҳийлиги тилларда дoston. Олтин кузимизнинг ўзига хос фaйзи, лaтофaти, таровaти, сўлимлиги ҳақидa қaлaм усталари вa шoирлар бир oлaм асарлар яратишган, кузнинг зийнaтини барaлла куйлашган. Қутлуғ Башаров мазкур мавзудаги «Куз» деб номланувчи литoграфик аллегория триптихи том маъноси илa ўзига хос миллийдир. У асарларининг миллий бўлишига кўр-кўрона эргашмайди, балки уни янги изланишлари билан бойитишга интилади, янги миллий белгилар топади.

Ҳозирда унинг асарлари Россия маданияти вазирлиги Третьяков галереяси, Бадиий Кўргазмалар Дирекцияси, Ўзбекистон Давлат санъати музейи, Амир Темур музейи, Австрия, Венгрия, Миср, Канада, Монголия, Италия, Хиндистон, Польша, Франция, Югославия, Чехия, АҚШ, Англия, Корея галереялари вa шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Kagan-M.S.-Filosofiya-kultury-filosofiya.pdf (Мурожаат санаси: 25.10.2020).
2. Абдирасилов С., Бойметов Б., Толипов Н. “Тасвирий санъат”. –Тошкент: Чўлпон, 2006. -Б.169. Abdirasilov S., Boymetov B., Tolipov N. "Fine Arts". - Tashkent: Cholpon, 2006. - P.169.
3. Чулков Г.И. Психологические портреты / Г.И.Чулков. -М.: Искусство, 1995. - С. 35. (Chulkov G.I. Psixologicheskie portrety / G.I.Chulkov. -M.: Art, 1995. - P. 35).
4. Чулков Г.И. Психологические портреты / Г.И.Чулков. -М.: Искусство, 1995. - С. 43. (Chulkov G.I. Psixologicheskie portrety / G.I.Chulkov. -M.: Art, 1995. - P. 43).

**ЎТМИШГА НАЗАР**

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**LOOK TO THE PAST**

**№SI-3 (2020)**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000